



Гилзангори отишаски ног лангооса ридан со сиздан донотароз

1968 йилда чизмалар устида ишловчи ва трилобитлар коллекцияси тўпловчи хаваскор Уильям Майстер Антилоп-Спрингс (Юта штати) якинида гил зангори тош катламидан пойабзал изини топгани хакида хабар берди.

Майстер буюм изига ўхшаган бу топилмани гил зангори тош бўлагини иккига ёриб кашф этди. Тош ичида трилобитлар излари ҳам бор эди. Гил зангори тош ва ундаги пойабзал изи кембрий даврига тегишли бўлиб, унинг ёши 505–590 миллион йил деб баҳоланган.

"Creation Research Society Quarterly" нашрида эълон килинган маколада Майстер бу пойабзал изини шундай тасвирлайди:

«Каблук бўлиши керак бўлган жойда чуқурлик бор, унинг чуқурлиги изнинг колган қисмига нисбатан 3 мм (1/8 дюйм) га катта. Бу албатта ўнг оёқнинг изи, чунки пойабзал (ёки сандал) ўнг томонда кўпроқ елинган.»

Майстер бунга кўшимча қилиб қуйидаги муҳим маълумотларни берган:

«4 июлда биз доктор Кларенс Кумс (Колумбия коллежи, Такома, Мэриленд) ва геолог Морис Карлайл (Колорадонинг Болдер шаҳридаги университет битирувчиси) билан бирга топилма жойига бордик. Биз икки соат давомида казиш ишларини амалга оширдик ва шундан сўнг, Карлайл жойлашган гил катламларининг биринчи текширувидаёқ бу ерда окаменеллашган казилмалар мавжудлиги эҳтимоли юқори эканини таъкидлади, чунки, унинг сўзларига кўра, бу катлам бир вақтлар юзада бўлган.»

Бир нечта олимлар Майстернинг топилмаси хакида маълумот олгач, унга жиддий муносабат билдиришмади.

Мичиган университети эволюцион биология профессори бу ҳақдаги саволга шундай жавоб берган:

«Мен бу трилобитлар хакидаги ходисадан беҳабарман... Аммо, агар бу яна бир сохталик ёки маълумотларни атайлаб бузиб кўрсатиш бўлмаса, хайратда қолардим. Бундай ҳолатлар ҳеч қачон расман тасдиқланмаган. Ҳозиргача энг ишончли далиллар эволюцияни тасдиқловчи қазилма бойликлар бўлган. Менимча, дунё яратилган деган ишонч ва "Ер юзаси текислик" назариясини қўллаб-қувватлаш бир хил. Бундай одамлар умуман ҳеч қандай далилга ишонмайди... Ҳар қандай "илмий" ёндошув орқали дунё яратилганлигини исботлашга уринишлар ҳеч қандай янгилик олиб келгани йўқ. Мен баъзи одамларнинг – оддий, жуда ҳурматга сазовор жамият аъзоларининг – ахборот воситалари ва алоҳида шахсларнинг манипуляцияларига тушиб қолишига хайратдаман».

Шундай қилиб, биолог-эволюционист топилма билан танишиб чиқмасдан, уни сохта деб ҳукм қилган.

Биз ҳам Майстер томонидан топилган бу изни беҳисоб тасдиқланган пойабзал изи деб таснифлашга шошилмаймиз, аммо буни объектив равишда илмий текшириш зарурлигини таъкидлаймиз.